

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 187 (10.242)

2004 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс тарзда ҳал этиш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва баркамол шахсларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат туйғусини сингдириш, аҳолининг маданий ва эстетик талаб-эҳтиёжларини янада тўлроқ қондириш, шунингдек маданият ва спорт соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, бу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини кўтариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тугатилиб, уларнинг негизда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари этиб белги-лансин:

маданият ва оммавий спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар мобайнида шаклланган юксак маънавиятни, халқ аъёналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни вояга етказиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

миллий истиқлол ғоясидан, Ўзбекистон халқининг маданий ва маънавий-ахлоқий аъёнalarидан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида маданий-маърифий, физкультур-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини амалга ошириш, одамларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлроқ қондириш;

театр, мусика, хореография, тасвирий санъат, цирк, халқ амалии ва эстрада санъатини янада ривожлантириш, уларнинг ғоявий-баддий ва маънавий савиясини ошириш, халқ тарихининг эрк энгин саҳифаларини ва унинг ҳозирги ҳаётини, мамлакатнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратишда ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

маданий-оммавий ва байрам тадбирларининг чуқур ғоявий мазмун билан бойитилишини таъминлаш, республиканинг ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз таланти ва истеъдодларини тўла намоеъ этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда ёшлар ва болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат иштиёқини сингдириш, ёшларни меҳнатга ва республика Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш;

Олимпия ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ва юқори спорт натижаларига эриша оладиган юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш мақсадида олимпия захираси муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароитларни яратиш, жумладан, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

халқ ўйинлари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил қилиш ва ўтказиш;

турар жойлар ва маҳаллаларда маданий-маърифий фаолиятни, аҳолини маданий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашни ташкил қилишда, физкультура соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини ўтказишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш;

давлатларо ва халқаро маданий ҳамда спорт алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференция, кўргазма ва спорт мусобақалари ўтказиш, маданият, санъат ва спорт соҳасига хорижий инвестиция ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, объект ва иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан имконият даражасида тўла ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

маданият ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш, республика маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

профессионал, халқ ва ҳаваскорлик иқидиётини, оммавий спорт ва жисмоний тарбияни, оммабоп маданий-маърифий ва спорт дастурларини кенг қўламада тарғиб қилиш, шунингдек маданият ва спорт соҳасида оммабоп адабиётларни чоп этиш ҳамда видео ва кино материаллар чиқариш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш бўйича Хукумат қарорини қабул қилсин.

4. «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги ПФ-360-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 сентябрь



Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги Меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасининг Юнусобод меҳнат бўлими жамоаси аҳолига мадад, таянч бўлиш мақсадларини кўзлаб иш юритмоқдалар.

СУРАТДА: меҳнат бўлимининг фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш шўъбасининг мудури Садоқат Тўхтаева нозирлар билан навбатдаги иш юзасидан суҳбатлашмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

МУРАББИЙЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРЛДИ

«Олимпия шон-шўхрати» музейида юртимиз мураббийлари учун баддий гимнастика бўйича юқори тоифали гимнастикачиларни халқаро даражада тайёрлашга бағишланган **тўрт кунлик семинар** якунланди.

Тадбир Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Бадий гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда, Халқаро олимпия қўмитаси шафелигида ўтказилди.

Анжуманда мамлакатимизда спортнинг барча турлари каби баддий гимнастика ташаббуси билан бу борада қабул қилинган қатор ҳужжатларнинг ҳаётга ижро этилиши, янгидан-янги замонавий спорт мажмуаларини бунёд этилиши, спортга аҳолининг барча қатламлари, жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг кенг жалб қилинаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Бугунги кунда юртимизда спортнинг энг гўзал ва нафис тури — баддий гимнастикага қизиқиш тобора ортиб бораётди. Спортнинг ушбу жоизбод тури Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий каби шаҳарларда ўзига хос аъёнalar асосида шаклланди. Заминимизда вояга етган гимнастикачилар жаҳон мусобақалари ва олимпиадаларида муваффақиятли натижаларга эришяптир. Тошкентда Бадий гимнастика бўйича жаҳон кубогининг уҳим босқичи — «Шарқ гўзали-2004» Халқаро турнири ўтказилиши эса дунёда катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, пойтахт спорт мураббийлари Халқаро гимнастика федерацияси эксперти Наталья Кузьминанинг бадий гимнастика машқларининг техник афзалликлари ва машғулотлар техникасига оид маърузаларини тинглаб, амалий машғулотларда қатнашди.

Семинар иштирокчиларига Халқаро олимпия қўмитаси сертификатлари топширилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИССА

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги Тошкент тиббиёт коллежида «Терроризмга қарши кураш» мавзусида ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими та-

шаббуси билан уюштирилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги касб-хунар коллежларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчилигида сайлов ҳамда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Воҳидов номидаги республика

жарроҳлик марказида аънавий «Воҳидов ўқишлари—2004» илмий-амалий анжумани уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Тадбиркор аёл уюшмаси ташаббуси билан тадбиркор аёллар иштирокида ўтказилган семинар «Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш» мавзусига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XVI сағоси

Барча манбалардан олинган сўяги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида ўрта махсус касб-хунар таълими соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликка бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

● **Фориш** туманидаги 33-мактабда Нурота-Қизилқум биорезерватини яратиш лойиҳасининг экологик услубият маркази очилди.

● **Ховос** тумани Шарқобод қишлоғи аҳолиси малакали тиббий ёрдам олиш имконига эга бўлди. Бу ерда давлат бюджетидан ажратилган 62 миллион сўмга қишлоқ врачлик пункти қуриб, фойдаланишга топширилди.

● Бухоро вилоятидаги оилавий пудратчилар, фермер ва ширкат хўжаликлари бирин-кетин маррага етмоқдалар. Бунда вилоятдаги пахтакорларга хизмат кўрсатувчи 13 та кўчма автодўконнинг йўлга қўйилгани ўзига хос мадд бўлмоқда.

● Кўқон шахрида боқиб бўйича якунланган халқаро турнирда Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан 150 нафардан зиёд иштирокчи чарм кўлқоп усталари беллашди.

Жаҳонда

● **Ироқдаги Ал-Фалужа** шахрида террорчилик ҳаракати содир этилди. Миллий гвардия штаби ёнида портловчи қурилмалар ўрнатилган автомобилларнинг портлатилиши натижасида бир нечта АҚШ ва Ироқ ҳарбийлари яранди.

● **Бразилияда** жиноятчиликка қарши кураш самардорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда — мамлакатда ўқотар қурол олиб юришни чекловчи янги қонун қучга кирди.

● **Парижда** ҳар икки йилда бир марта ташкил этиладиган йирик автокўргазма очилди. Унда 26 та давлатдан келган 480та иштирокчи ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

● **Қариб** денгизи ҳаваси мамлакатлари, жумладан Гаитига катта иқтисодий зарар етказган «Жанна» тўфонни АҚШнинг Флорида штатида етиб келди.

**САЙЛОВЛАР:
САВОЛЛАР ВА
ЖАВОБЛАР**



Марказий сайлов комиссияси фаолиятида қайси принциплар асосий ҳисобланади?

— «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси туърасида»-ги Қонуннинг 2-моддасига асосан Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик, мустақиллик, адолатлик тамойилларига таянган ҳолда юритади.

Марказий сайлов комиссияси қандай таркибда тузилади?

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан камида 15 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Округ сайлов комиссияси ким томонидан тузилади?

— Марказий сайлов комиссияси томонидан.

Кимлар сайлов ҳуқуқига эга эмас?

— Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайлов ҳуқуқига эга эмас.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб кимлар сайланиши мумкин?

— Сайлов куни 25 ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида камида беш йил муқим яшаётган фуқаролар депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга.

Марказий сайлов комиссияси сийёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳужжатларни қабул қилишни қачон тўхтатади?

— Ҳужжатлар қабул қилиниши рўйхатга олиш мuddати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш қачон тугалланади?

— Сайловга 35 кун қолганида.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳридан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоллигига неча кишидан сайланади?

— Олти кишидан.

Сайловолди ташвиқоти қачон бошланади?

— Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларни рўйхатга олган кундан бошлаб сайловолди ташвиқоти ишлари бошланади.

Участка сайлов комиссияларига сайлов бюллетенлари ким томонидан ва қачон берилади?

— Сайлов бюллетенлари округ сайлов комиссиялари томонидан сайловга камида уч кун қолганида берилади.

Ҳурматли газетхонлар! Сайлов кампанияси бўйича ўзингизни қизиқтирган саволларни 136-53-10 ёки 133-29-09 телефон рақамлари орқали йўллашингиз мумкин.

**ҲОЙДАЛИ
БИТИМ**

Республика банк тизимида комплекс суғурта хизмати кўрсатиш мақсадида ташкил этилган «Ishonch» банклараро суғурта компанияси жаҳоннинг энг йирик суғурта брокерларидан саналган «Alexandr Forbes Risk Services UK Ltd» билан қайта суғурталаш бўйича ҳамкорлик шартномасини имзолади.

— 1893 йилда ташкил топган ва дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатларида иш олиб бораётган мазкур компания билан бундай фойдали битимнинг имзоланиши иқтисодиётнинг реал секторидаги стратегик корхоналар билан ишлашимизда жуда қўл келади. — дейди «Ishonch» банклараро суғурта компанияси бош директори Миршамсиддин Ҳикматиллаев ЎзА мухбирига. — Суғурталашда жаҳоннинг энг илғор тажрибаларини тадбиқ этиш тўғрисида айни пайтда компаниямиз мижозлари сони салкам уч ярим мингга етиб, мажбуриятлар миқдори ўттиз миллиард сўмдан ошди.

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар ўйида Тошкент ҳарбий округи сержантларнинг йигини бўлиб ўтди. Унда округнинг ҳарбий қисм ва бўлинмаларида сафдошларига тартиб-интизоми билан ўрнак кўрсатиб, жанговар топшириқларни ўз вақтида, пухта бажариб келаётган, етарлича билим ва кўникамага эга, фаол сержантлар иштирок этди.

**ҚУРОЛЛИ
КУЧЛАРИМИЗ ТАЯНЧИ**

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қўрғамони А.Орипов, Тошкент ҳарбий округи кўмондони, генерал-майор Б.Тошматов, Мудоффа вазирлиги тарбиявий ишлар бош бошқарма бошлиғи ўринбосари, подполковник О.Аҳмедов ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қуроли Кучларимизни янада такомиллаштириш, профессионал армияни шакллантиришга қатта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ватанимиз мустақиллиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз осойишталигини мустаҳкамлашда миллий армиямизнинг

таянчи бўлган сержантларнинг ҳиссаси каттадир.

— Муддатли хизматни ўтаб бўлгач, ўша ҳарбий қисмда хизматни шартнома асосида давом эттирман, — дейди. Ички ишлар вазирлигига қарашли Қоро-вул қўшинлари кичик сержанти, анди-жонлик Илҳом Раҳмонов. — Олти ой сержантлар тайёрлаш мактабида сабоқ олдим. Олган билимим бугун хизматда жуда қўл келяпти.

Тадбир Қуроли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижросидаги қатта концерт дастури билан яқунланди. **ЎЗА**

АНЪАНАВИЙ ИЛМИЙ АНЖУМАН

Мамлакатимизда илм-фаннинг турли соҳалари, жумладан, тиббиётда ўзига хос мактаб яратган етук олимлар анчагина. Академик В.Воҳидов ана шундай сиймолардан бири эди. У асос солган жарроҳлик йўналиши дунё миқёсида эътироф этилган.

Республика ихтисослашган жарроҳлик марказида анъанавий «Воҳидов ўқишлари» тадбирлари доирасида ўтган реконструктив жарроҳликнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бунинг яна бир далилидир. Унда мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда Россия, Украина, Қозоғистон ва Тожикистондан келган мутахассислар иштирок этдилар. Соғлиқни сақлаш вазири Ф.На-

зиров анжумани очар экан, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, мутахассисларнинг малака ва маҳоратини юксалтиришга қаратилган эътибор самараси ҳусусида тўхтади. Аҳоли саломатлигини янада яхшилаш, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб воёга етказиш мақсадида ташкил этилаётган ихтисослашган марказларда, кўплаб янги


шифо масканларида аввало касалликнинг олдини олиш ва даволашда янги самара берадиган замонавий тиббий воситалардан кенг фойдаланилмоқда.

— Ўзбекистон ихтисослашган жарроҳлик марказида ўзига хос тажриба тўплангани ва унда малакали шифокорлар меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўлдим, — дейди украиналик олим В.Саенко. — Жарроҳлик соҳасида ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз эри-

шавтган ютуқлар хорижий мутахассисларни ҳам қизиқтирмоқда. Жигар хасталигининг олдини олиш ва даволаш билан боғлиқ тажрибангиз бунга мисол бўла олади. Шу боис келаси йили МДҲ давлатлари хирург-гепатологлари XII анжуманини юртингизда ўтказиш режалаштирилган.

Анжуманда юрак, қон-томир, ошқозон-ичак касалликлари, жигар церрози, ўт йўлининг шикастланиши каби хасталиқларни даволашда реконструктив жарроҳлик ютуқлари ва бу борадаги муаммоларга бағишланган маърузалар тинланди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири**



Иқтисодиёт

**«ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН»
ЁРЛИҒИ БИЛАН**

Мирзо Улугбек туманида фаолият юритаётган корхоналар орасида «Асбоб-соз» очик акционерлик жамиятининг алоҳида ўрни бор. Мазкур корхона жамоаси узоқ йиллардан буён сифатли, рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи металл маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Бугунги кунга келиб, жамоа аҳлининг сай-ҳаракатлари, сифатли хом ашё тўғрисида «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси остида 2000 турдаги харидорбоп маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

— Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда, — дейди жамият бошқаруви раиси Мурод Валиев, — асосий эътиборни сифатга қаратган ҳолда, омбор эмас, харидор учун ишлашни эзгу мақсад қилиб қўйганмиз. Юртимиз газнасига валюта тушириш учун баракали сай-ҳаракатлар олиб бормоқдамиз. Айни кунларда 16 минг 400 долларлик буюртма жўнатилиш тадориги кўришмоқда. Жумладан, жорий йил охиригача эса 200-220 минг долларлик буюртмага шартнома тузилган.

Корхонанинг асосий цехларида иш доимо қизгин, Россия ва Украина давлатларидан келтирилаётган сифатли хом ашёдан талаблар даражасидаги асбобсозлик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Металл қирқувчи, прессформа ва штамповкалаш, ностандарт ускуналар ишлаб чиқарувчи цехлардаги дастгоҳлар, технологик линиялар шарофати билан буюртмалар ўз муддатларида бажарилиб, мижозларга етказиб берилмоқда.

Корхонанинг малакали, ўз ишининг усталари бўлган ишчилари маҳоратлари ўтган йиллар мобайнида доимий синовлардан ўтмоқда. Чунки ҳар бир янги яратилаётган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга чуқур изланиш, машаққат ва қатта меҳнат эвазига эришилиши сир эмас. Айниқса, янги маҳсулотнинг афзаллик томонлари, шубҳасиз, унинг таннархига алоҳи-

да эътибор қаратилади. Айни шу хусусиятлари ҳисобига корхона маҳсулотлари харидорлар эътиборини қозонмоқда. Шу билан ҳам жамиятда ишлаб чиқариш ҳажмининг юқорилаб, маҳсулотлар рақобатбардошлиги ҳамда буюртмачилар сифининг ошишига эришилмоқда. Ишлаб чиқаришдан олинган фойда эса корхонани ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Жорий йил бошидан корхонанинг ихтирочилари 4 турдаги янги маҳсулотларни — плашқалар, машиналар учун мичкичи, асбоб-ускуналар учун резьбалик яратиб, ишлаб чиқаришга татбиқ қилдилар. Жумладан, 2 хил турдаги янги асбоблар — темир кесадиган юмалоқ арра ва машинага ўрнатиладиган қўл арра шаклидаги си айни кунларда синовдан муваффақиятли ўтди.

Хуллас, «Интилганга — толе ёр» деб ҳақимиз бежиз айтмайди. Эзгу мақсадларни кўзлаб доимо ривожланиш йўлидан бораётган корхона жамоаси ғайрат-шижоати билан сифатли, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йилдан йилга кўпайишига шубҳа йўқ.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: «Асбобсоз» очик акционерлик жамиятининг участка бошлиғи Анвар Шарипов ва моҳир чархловчи Мукаррам Умаровалар детал сифатини кўзлан кечирмоқдалар; шу пехининг илғор илғичи Зуҳра Алиева ўз касбидан мамнун; цех бошлиғи (ўнгда) Эргаш Тўхтабоев уста Ғиёс Сиддиқазаров билан навбатдаги буюртма ҳақида суҳбатлашмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Маълум

ИЗЛАНУВЧАН
ТАЛАБА
ЮТУҚЛАРИ

Ахборот технологиялари ва бошқаруви йўналишида олиб борилётган илмий изланишларда иқтидорли талаба ёшлар ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Тошкент Давлат техника университетининг талабаси Шухрат Қайюмов ҳам бу соҳада ўз салоҳиятини намойиш этиб келмоқда.

Шу сабабли ҳам у Ўзбекистон Президентининг стипендиясини олиб ўқиш шарафига эга бўлди. Ёш тадқиқотчининг «Ўзбекистонда масофавий таълим» деган мавзуда олиб борган изланиши ҳам қутилган натижани берди. Халқаро ТЕЛЕПУС-ТАСИС лойиҳаси доирасида амалга оширилган мазкур тадқиқот университет ҳузурида фаолият кўрсатаётган иқтидорли ёшларнинг илмий-техник академияси томонидан юқори баҳоланди. Ҳозир у «Насос станцияларини модели ва муқобил бошқариш» деган илмий иш устида изланмоқда.

ХАЛҚАРО
ЛОЙИҲА —
АМАЛДА

«Ўзбекистонда бoshлангич касб-хунар таълимини қўллаб-қувватлаш» ўзбек—герман лойиҳаси жорий этилганга беш йил бўлди. Мамлакатимизда касб-хунар таълими тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бу лойиҳани амалга ошириш йўлида кўп ибратли ишлар рўйбга чиқарилди.

Германия техникавий ҳамкорлик жамияти билан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида юзга келган бу лойиҳа доирасида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ўқув маркази, бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси, Бизнесни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорлик ўрнатилди. Гёте номидаги институт билан боғланган алоқалар янада кенгайди.

Лойиҳага кирган касб-хунар коллежларининг моддий-техник жиҳозланishi учун 1,2 миллиард сўм миқдорда ишлар амалга оширилди.

Ўзбек-немис лойиҳасининг беш йиллиги муносабати билан республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди, қилинган ишлар сарҳисоб қилинди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ақбар Йўлдошев

НАТО БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Шимолӣ Иттифоқнинг Брюсселдаги бosh қароргоҳида Ўзбекистон билан НАТО ўртасида Шерикликнинг индивидуал ҳаракат режаси (ШИХР) Тақдимот ҳужжати юзасидан икки томонлама маслаҳатлашув кенгаши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Евроатлантика шериклик кенгаши (ЕАШК) фаолияти ҳамда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» (ТИХ) дастурида иштирок этиш орқали НАТО билан ўзаро шериклик муносабатларини ривожлантиришмоқда. Республикаимиз ЕАШК ҳаракат режаси ва терроризмга қарши кураш ҳаракат режасини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

НАТО/ЕАШК, нинг 2002 йилда бўлиб ўтган Париж саммити шерик мамлакатлар учун ҳамкорликнинг турли соҳаларда ўз муайян эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда НАТО билан янада индивидуаллашган муносабатларини ривожлантириш имкониятини таъкиф этди.

Ушбу саммит тавсиялари асосида Ўзбекистон ҳукумати Ўзбекистон билан НАТО ўртасида Шерикликнинг индивидуал ҳаракат режаси Тақдимот ҳужжатини ишлаб чиқди ва НАТОга тақдим

этди.

НАТОга аъзо мамлакатлар Тақдимот ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишларга ижобий баҳо бердилар. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон томонидан турли соҳаларда амалга оширилиши режалаштирилган келгуси ислохот йўналишларини ифода этиши таъкидланди.

Шу ўринда Ўзбекистон ШИХР доирасида НАТО билан индивидуаллашган ҳамкорликни чуқурлаштиришга тайёрлик билдирган Марказий Осиёдаги биринчи давлат экани алоҳида қайд этилди.

Иттифоқ давлатларининг ишончи қомилки, ШИХР механизми Ўзбекистоннинг устувор соҳалардаги аниқ эҳтиёжларини эътиборда тутиган амалий муносабатларни янада ривожлантиришга мустақкам асос бўлади.

«Жаҳон» АА

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ
59-СЕССИЯСИ БОШЛАНДИ

БМТга аъзо ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқ меъёрлари устуворлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоғи лозим, деди Бош котиб Кофи Аннан Бош Ассамблеянинг 59-сессияси иштирокчиларига мурожаатида.

Бош котиб 59-сессиянинг юқори даражадаги сиёсий мунозаралари олдидан сўзга чиқар экан, БМТнинг бугунги кун халқаро муносабатларидаги аҳамияти, дунё мамлакатларида демократияни қарор топтириш, эркин ва фаровон жамият куриш йўлидаги сазой-ҳаракатлари хусусида тўхтади.

Кофи Аннан дунёнинг турли нуқталарида бузғунчи кучлар томонидан амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар бегуноҳ инсонлар, норасида болалар ҳаётига даҳл этаётганга эътибор қаратди ва бу халқаро ҳуқуқ нормаларига нисбатан ҳурматсизлик эканини таъкидлади.

Юқори даражадаги сиёсий мунозараларнинг биринчи кунинда АҚШ Президенти Жорж Буш, Бразилия Президенти Луис Инасио да Силва, Япония Бош вазири Дзюниро Коидзуми, Афғонистон Ислоҳ Давлати Президенти Ҳамид

Карзай, Швеция Кириллиги Бош вазири Йоран Перссон ва бошқа кўпгина мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари сўзга чиқди.

Хусусан, АҚШ Президенти Ж.Буш ўз маърузасида халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризмга қарши кураш борасида дунё мамлакатларининг яқдиллиги муҳим омил эканини таъкидлади.

АҚШ давлат раҳбари хавфсизлик ва барқарорлик хусусида тўхталар экан, айни вақтда халқаро хавфсизлик тизими янгича ёндошувларни талаб этишини таъкидлади.

Маълумки, Оқ уй маъмурияти дунёнинг турли минтақаларида давом этиб келаётган нотинч вазиятларни бартараф этишга хизмат қилувчи мунтазам структура ёки тизим яратиш госяни илгари сўриб келмоқда. АҚШ ва Италия томонидан тақлиф этилган ана шундай тақлифлар-

нинг бири «Глобал тинчлик операциялари ташаббуси»-дир. Унга кўра, «Етакчи саккизлик» гуруҳига кирувчи мамлакатлар асосий қисми Африка давлатлари вакилларидан таркиб топиши кўзда тутилган 75 минг нафарлик тинчликпарвар кучларни тайёрламоғи лозим. Мазкур тинчликпарвар кучлар дунёнинг нотинч минтақаларида тинчликпарварлик миссияларини амалга ошироғи керак бўлади. Президент Буш ўз маърузасида айни масала хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Бош Ассамблеянинг 59-сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Сессия кун тартибига кўра сиёсий мунозараларда юзга яқин мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этиши кўзда тутилган.

Ф.АРЗИЕВ,
«Жаҳон» АА муҳбири
Нью-Йорк.

Ярмаркалар

ИШ ЎРИНЛАРИ
ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Мирзо Улугбек туман меҳнат бўлимининг ташаббуси билан «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази»да «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» худудий меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Эрта тонгдан меҳнат бўлимининг гайрат-шижоатли ходимлари ҳамда тумандаги 30 тадан ортиқ корхона, ташкилот, бошқармаларнинг вакиллари марказ худудида ярмаркада қатнашиш истагида келаётган фуқароларни қутиб олишга ҳамма нарса ни тахт қилиб қўйишди. Шу куни яқин атрофдаги «Навбахор», «Уйғониш», «Аҳил», «Бешкапа», «Файзиобод» каби маҳаллалардан иш билан банд бўлмаган аҳоли — айнакча, меҳнат бозоридида эркин рақобатга киришолмайдиган ёшлар, аёллар, жазо муддатини ўтаб қайтган фуқаролар фаол қатнашдилар.

— Туманимизда 49 та маҳалла мавжуд, — дейди туман меҳнат бўлими раҳбари Акмал Ҳасанхўжаев, — 12 нафар малакали маҳалла нозирларимиз ўзини-ўзи бошқариш йиғинлари раислари билан ўзаро ҳамкорликда иш юритмоқдалар. Чунки маҳаллалар оқсоқоллари ўз худудларидаги ҳар бир хонадон аъзоларини яхши билувчи кишилардир. Асосийси, оиланинг муаммо ҳамда камчиликлари ҳам уларга таниш.

Шу куни меҳнат ярмаркасида 187 нафар фуқаролар қатнашдилар. Улардан 70 нафа-

рига ўзларининг хоҳиш-истакларига кўра мутахассисликлари, малакаларига қараб турли корхона, ташкилотларга йўлланмалар берилди. Кўплаб қизиқувчан ёшларга малакали мутахассислар томонидан маслаҳатлар ҳам берилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасига қарашли ишсизларни қасбга тайёрлаш, қайта ўқитиш марказида ўқишни истаб келган 10 нафар фуқароларга йўлланмалар топширилди.

Меҳнат ярмаркасида Мирзо Улугбек туман ободонлаштириш бўлими, «Тошкент трактор заводи» Давлат хиссасдорлик жамияти, «Узпахтамаш» акциядорлик жамияти, «Корфармасаноат» қўшма корхонаси, «Ўзэнергоалюк» шўба корхонаси, 2519-авторкоҳонаси, «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси ҳам бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.

— Айнан бу каби меҳнат ярмаркаларини, — дейди меҳнат бўлимининг ишга жойлаштириш, қасбга тайёрлаш ва қайта ўқитиш

Транспорт

«МЕРСЕДЕС-
БЕНЦ»ГА
ТАЛАБ КАТТА

Ўзбекистон Республикаси инвестицион дастури доирасида Германиядаги «Эво Бус Гмбх» фирмаси билан ҳам ҳамкорлик йўлига қўйилди. Ўзаро келишувга биноан бу фирма мамлакатимизга «Мерседес-Бенц Ко-некто «С» русумли автобуслардан яна 500 тасини тайёрлаб беради.

Замонавий ва ҳар томонлама қулай бундай транспорт воситалари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ҳам кўплаб етказиб берилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу хил транспорт воситаларидан эндиликда мамлакатимизнинг бошқа худудларида ҳам фойдаланиш имкони туғилди.

Шу мақсадда Тошкентга юборилган «Мерседес-Бенц»лардан 150-200 таси Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларга тарқатилади.

Айни вақтда жойларда уларга техник хизмат кўрсатадиган сервис марказлари очилади.

Ақбар АЛИЕВ



шўъбаси мудир Матлуба Норкулова, — банд бўлмаган аҳолига ишга жойлаштиришга қасбга эга бўлмаганларга ўқишга йўлланма олиш учун қулай бўлган қўшимча имконият, деб ҳисоблайман.

Жорий йилда меҳнат бўлими яна 2 та худудий меҳнат ярмаркаларини ўтказишни режалаштирган. Бу каби тадбирларни ушқоқлик билан ўтказиш анча машаққатли, шу боис ҳам меҳнат бўлимининг ишга жойлаштириш шўъбаси бош мутахассислари Дилобар Қамбарова, Доно Акбарова, меҳнат нозирларидан Нурбахор Қосимова, Елена Анисимова, Зина Адилваларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Муқаддас УМАРБЕКОВА
СУРАТДА: Мирзо Улугбек туман меҳнат бўлими ташаббуси билан йил бошидан буён тўртинчи мартаба ўтказилаётган меҳнат ярмаркасини ташкиллаштиришда алоҳида жонбошлик кўрсатган ёшларни кўриб турибсиз.



Шаҳримиз тарихини ўрганамиз

ТОШКЕНТ ЎРДАЛАРИ

ЎРДА. Туркий ва мўғул халқларида ҳарбий-маъмурий манзилгоҳ, ўрта асрларда одий ҳукмдор қароргоҳи, арки. Йирик туркий ва мўғул давлатлари ҳамда кўчманчи қабилалар иттифоқлари (Олтин ўрда ва Нўғой ўрда қабилар)нинг номи шундан келиб чиққан. Подшоҳ, хон ёки бирор олий мартабали шахснинг саройи. Айрим ҳолларда «арк» ҳам деб аталган.

Мавжуд маълумотларга кўра, қадимий Тошкентда бешта ўрда бўлган.

1. Шаҳримизнинг ҳозирги Мо-вароуннаҳр, Саид Барака, Моштабиб ва Фарғона йули кўчалари оралиғида каттагина майдонни эгаллаган қадимги Шошнинг пойтахти харобалари билан бизнинг давримизга фақат 100х40 метрлик кичик бир қисмигина сақланиб қолган. Мингўрик деб аталган бу тепаликда ўтказилган археологик

Жомеъ масжиди ва мадрасаси қурилган (XV аср).

Шаҳристоннинг жанубий-ғарбий қисмида кейинчалик Кўқалдош мадрасаси қурилган.

3. XV-XVII асрлар шаҳар ҳудуди Бешёғоч ва ўрда томонларининг кенгайиши муносабати билан Бешёғоч даҳасининг «Қоратош» ва «Олмазор» мақддлари ҳудуди ўрнида янги ўрда қурилган. Шаҳар атрофи янгида ягона девор билан ўралган. Ўрда ҳудудида маъмурий

ўралган кичик ўрда қурдириди. Айрим маълумотларга қараганда бу ўрда Анҳорнинг ўнг соҳилидаги Қишлоқ ва сув ҳўжаллиги вазирилик биноси атрофларида бўлган.

XIX асрнинг бошларида Кўқон хонлиги томонидан Тошкент босиб олинган, бу ўрда ҳам вайрон қилинади.

5. XIX асрнинг 30-йилларида Кўқон хони Анҳор каналининг чап соҳили, тахминан Мустақиллик майдони ўрнида янги ўрда қурилади. Ўрда ичида мустақамланган қаср, гарнизон қазармалари, курулорғон оғорлари, ҳаммом ва маъмурий бинолар жойлашган эди. Ҳаммом 1966 йилда бузилган. («Анҳор» кафесининг орқасида эди). Ҳаммом деворларининг қолдиқ қишталари 1985 йили Абдуқосим мадрасаси тазмирига ишлатиш учун олиб келинган.

Ўрда қалъаси 10 минг аскар сифишига мўлжалланган эди. Ўрда шаҳар ва вилоят ҳокими учун махсус қўرғонқароргоҳ бўлган. Кейинчалик қўшимча мудофаа деворлари қурилиши билан шаҳар таркибига киритилган. Кўқон хонининг Тошкентдаги ноиб-бекларбегининг маҳкамаси ва хон саройи ҳам шу ерда эди.

Шунингдек, Тошкентнинг ўн икки дарвозаларидан бири бўлиши Кўқон дарвозаси ҳам шу ерда бўлган. Кўқон хони Тошкентга келганида мажкур дарвоза орқали жуда дабдаба билан кутиб олинар эди.

Тошкент Россия қўшинлари томонидан босиб олинган, (1865) Черняев ўз штаби билан ўрдадаги хон саройига, унинг аскарларининг бир қисми саройи ёнидаги сарбозлар ётоқхонасига жойлаштирилди. Офицерлар эса ўрда ташқарисидаги эгасиз қолган Қашқар маҳалладаги хонадонларга жойлаштирилди. Лекин мустамакчилар ўша йили зудлик билан қурилган Ҳуққондаги (ҳозирги А.Қодирий номи) нестироҳат боғининг бир қисми) очик жанглар бўлиб ўтди. Бу жангда Шайхонтоҳур даҳасининг ҳокими Юнусов хўжа ғолиб бўшлади ва шаҳар, шунингдек вилоят ҳокимлигини қўлга киритди.

XVIII асрнинг 80-йилларида Юнусов хўжа Шайхонтоҳур даҳасида мудофаа деворлари билан

Абдулазиз МУҲАММАДҚАРИМОВ, Халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси.

Истиклол шарофати билан шаҳримиз йилдан-йилга гўзаллашиб ўзгача замонавий киффа касб этиб бормоқда. Айниқса кейинги йилларда шаҳримизда қайта бунёд этилган меҳмонхоналар пойтахтимиз хуснига янада кўрк бағишлаётир.

МУҲТАШАМ КОШОНАЛАР

Жумладан, шаҳримизнинг қоқ марказида, Амир Темур хиббони қаршида жойлашган «Пойтахт» меҳмонхонаси ҳам шаҳримизга ташриф буюрган меҳмонлар эътиборини жалб этмоқда. Тўрт қаватдан иборат меҳмонхонада 112 хона мавжуд бўлиб, 165 ўринга мўлжалланган. Ҳар бир хонага совутич, халқаро йўлдош алоқаси ўрнатилган. Шунингдек, телевизор, радио, мини-бар, музлатгич ва ҳоказолар мавжуд. Булардан ташқари меҳмонхонада асосий эътибор меҳмонлар учун мазаали овқатлар тайёрлашга қаратилган. Бу ерда меҳмонларни «BLISS» ресторани залида хуштам овқатлар билан кутиб олишади. Шу билан бирга шарқ таомлари ишқибозлари

«MIDORI» япон ресторанида турли хил мазаали таомлардан тановул қилишлари мумкин. Меҳмонхонанинг биринчи қаватида маъмурият ва «ROVAL» бари жойлашган. Дунёнинг турли хил яхна ичимликлари, ажойиб коктейллари, хушбўй ҳаҳваси, ходимларнинг юқори сифатли хизмат кўрсатиши, буларнинг ҳаммасида ҳам ўзини қаватида жойлашган «VIVA» барида баҳраманд бўласиз. Меҳмонхонада шунингдек, меҳмонлар учун 24 соат мобайнида Бизнес-марказ фаолият кўрсатилади. Бу ерда кўйидаги хизматлар компьютерда ишлаш, интернет, электрон почта, факс алоқаси, халқаро телефон алоқаси, нуска кўчириш, котиба хизматлари ва техник мосламаларни ижарага

бериш йўлга қўйилган. Меҳмонхонанинг маркетинг бўлимида эса ходимлар меҳмонларнинг турли муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беришади.

Айни кўнларда меҳмонхонада 120 нафар хорижий меҳмонлар истиқомат қилишмоқда. Меҳмонларнинг ақсарияти ишбилармон ва тадбиркорлардир. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, меҳмонхонада халқаро анжуманлар ҳам ўтказилмоқда.

Шаҳримиздаги «Пойтахт» меҳмонхонаси сингари муҳташам кошоналар шунингдек ташриф буюраётган меҳмонларни доимо мафтун этиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Пойтахт» меҳмонхонасининг кўриниши. Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



Баъзан айрим автобус хайдовчилари билан йўловчилар ўртасида зиддиятларнинг ҳам гувоҳи бўлиб қоламиз. Масалан яқинда бир аёл автобусдан тушаётгани хайдовчига йўл хақи бераётганида 10 сўм етмай қолди. Шу пайт хайдовчи аёлга: «Пулнинг бўлса автобусга чиқинда», — деди кўрсик билан. Аёл ҳам аччиқланиб бир сўз айтди. Хайдовчи сўзини аёлни ҳақорат қила кетди. Автобус ичидаги йўловчилар ўртага тушиб уларни зўрға тинчлантиришди. Қани бу ерда бир-бирига нисбатан бўлган ҳурмат ва меҳр-оқибат, қандайдир 10 сўм деб бир-биримизни ҳақорат қилсақ, ёқаласак яхшимиз. Ундан кўра автобус хайдовчиси аёлга: «Опакин, кейинги чиққанингизда тўлиб кетарсиз», деганида бундай нохуш ҳолат юзага келмасди.

Бундай нохушлиқлар бўлишига сабаб автобус қорхоналари раҳбарлари хайдовчилардан фақат пул топшириш режасини талаб қилишадилар. Бундай қорхоналарда «Маънавият ва маърифат хоналари бўлса

Узбек халқи азалдан меҳмондўст ва бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатли. Шу сабабли шаҳарларимиз оёда, кўчаларимиз кенгайиб катта-катта иншоотлар қурилаяпти. Шаҳримизнинг барча кўчаларида «Ёрседе Б...» каби янги автобуслар қатнапти ва йўловчилар, яъни турли м. м. лларга элтиб кўяпти. Бу автобуслар замонавий техникалар, микрофон, магнитофон билан жиҳозланган. Шундай қулай имкониятлардан автобус хайдовчилари тўғри фойдаланмаяптилар. Магнитофонларда турли кулоққа ёқмайдиған куйларни баланд қилиб кўйиб юришади. Бу эса йўловчиларнинг асабига тегади. Ундан кўра микрофонда ширин сўзлар билан бекатларнинг номини айтиб борилса ёшлар карьералар ва ногиронларга жой беришлари тўғрисида огоҳлантириб борилса яхши бўлар эди.

ДИНГАНИ ГАНЛАР БИР-БИРИМИЗГА ОҚИБАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Ҳам хайдовчилар орасида йўл хизмати маданияти тўғрисида тушунарли ишлари ҳам олиб бориларди. Яна бир муаммага тўхтаб ўтишга тўғри келади, шахсий машиналарнинг хайдовчилари бекатларга машиналарини кўйиб, бемалол йўловчиларни пойлаб ўтиришади, бу эса автобус хайдовчиларига бекатларда тўхтаб йўловчиларни олишларига ноқулайликлар туғдираяпти, айрим ҳолларда йўловчилар автобусга чиқатганларида эн-

гил машина хайдовчилари машиналарини тез хайдаб йўл қондасини бузишяпти. Бундай йўл қондасини бузувчиларни тартибга ҳақирмасдан 100 метр нарироқда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳеч нарсани кўрмагандай локайд туришади. Бундай йўл қондасини бузувчилар кўпчилик бекатларда учраб туради. Айниқса «Фарҳод» бозори атрофларидаги бекатларда кўпроқ учрайди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, бу муаммони кўтаришимиздан мақсад, ҳаётимизнинг кўп қисмини кўчада, йўлда ўтказамиз. Шунинг учун шаҳримиз кўчаларининг ободлигига ва чиройлигига яраша, биз ҳам бир-биримизга ҳурматли, меҳр-оқибатли бўلسак айни мудоаа бўларди.

Шаҳримиздаги кўнглисиз нохуш воқеалар ва бекатлардаги тартибсизликларнинг олдини олиш чоралари тўғрисида тегишли идоралар раҳбарлари йўлба кўришса ёмон бўлмасди.

Зоҳид СУЛТОНОВ, Шайхонтоҳур тумани



Жуманиёз ЖАБОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири

МЕВАЛАРИМ

Бошига тож қилиб деҳқон иззатини, Деҳқоннинг заминига буюк хизматини.

Мевалар юксалди Ер сийнасида, Бепоев, абадий хазинасида.

Авалло қулушай чиқди қулиб шўх, Сўнг гилос қизарди қиз лабидай чўх.

Сўнг ўрик етилди тиллодай сарҳил, Яна юз тур кўкат чиқинди ҳар хил.

Мана-ман деб ёнур чучмак шафтоли, Болдирингу помидор хуштам, сафоли.

Бу олма, бу анор — минг маржон-маржон, Маззасини тотсангиз яйраб кетар жон.

Қовундан олғаймиз жаннат таъминини, Тарвуздан тоғ узар ўзбек заминини.

Узувлар неча минг саватни туттай, Довруғи кўп юрт сарҳадни туттай.

Энтиқиб-энтиқиб лабга босган чоғ, Танадан сиргалур юз йиллик чарчоғ.

Кўёшим эҳсонини минг хил масаллиғ, Янгамнинг овқатини қилур маззалиқ.

Десанг, қайдан келур бунчалик ширин? Дегайман: — мағзида юрак аширин!

Таҳсинлар айтаминиз анжир, кишмишга, Дадил киражакмиз ҳар қандай қишга.



Ён қўшнимиз бор. У аллақайси фирмага раҳбар ўринбосари вазифасида хизмат қилаяпти. Бу киши бироз ҳашаматли бинони курси бошлади. Уйдаги ичидан қуйинарди. Эндики? Энди... Мен сендан орқанда қоламанми, деган йўсинда иш тутиб, иморатини бизникидан чамаси бир-бир ярим метр баландроқ қилиб уй қуришни мўлжаллади. Иш қизигандан қизиб кетди. Бозор, яъни меҳнат биржасидан аллақайси тумандан келган ишчилар ёлланди. 3-4 киши ер остини қавлашди.

Шунга яраша шағал билан цементни аралаштириб бир неча кун ишладилар. Тўғри-да, тайёр бетон қоршмаси 3-4 марта қимматта тушиши мумкин. Машина-машина пишқи гишт келтирилди. 40-50 йилдан кейин деворлар уваланиб, нураб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун агар иқтисоднинг кўтарса пишқи гиштга нима етсин.

Кўшнимизнинг уй деворлари кўтарилиди, иморатнинг усти ёпилди. Уй жуда чиройли, беиқтисод этди-да! Бироқ қурилишни тўхтатмади. Ўтган бир йил мобайнида қайта қуриш бошланди. Томларини бузди (чакка ўгма-матта тушиши мумкин. Машина-машина пишқи гишт келтирилди. 40-50 йилдан кейин деворлар уваланиб, нураб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун агар иқтисоднинг кўтарса пишқи гиштга нима етсин.

Шунингдек, иморатнинг усти ёпилди. Уй жуда чиройли, беиқтисод этди-да! Бироқ қурилишни тўхтатмади. Ўтган бир йил мобайнида қайта қуриш бошланди. Томларини бузди (чакка ўгма-матта тушиши мумкин. Машина-машина пишқи гишт келтирилди. 40-50 йилдан кейин деворлар уваланиб, нураб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун агар иқтисоднинг кўтарса пишқи гиштга нима етсин.

Шунингдек, иморатнинг усти ёпилди. Уй жуда чиройли, беиқтисод этди-да! Бироқ қурилишни тўхтатмади. Ўтган бир йил мобайнида қайта қуриш бошланди. Томларини бузди (чакка ўгма-матта тушиши мумкин. Машина-машина пишқи гишт келтирилди. 40-50 йилдан кейин деворлар уваланиб, нураб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун агар иқтисоднинг кўтарса пишқи гиштга нима етсин.

Шунингдек, иморатнинг усти ёпилди. Уй жуда чиройли, беиқтисод этди-да! Бироқ қурилишни тўхтатмади. Ўтган бир йил мобайнида қайта қуриш бошланди. Томларини бузди (чакка ўгма-матта тушиши мумкин. Машина-машина пишқи гишт келтирилди. 40-50 йилдан кейин деворлар уваланиб, нураб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун агар иқтисоднинг кўтарса пишқи гиштга нима етсин.

Шунингдек, иморатнинг усти ёпилди. Уй жуда чиройли, беиқтисод этди-да! Бироқ қурилишни тўхтатмади. Ўтган бир йил мобайнида қайта қуриш бошланди. Томларини бузди (чакка ўгма-матта тушиши мумкин. Машина-машина пишқи гишт келтирилди. 40-50 йилдан кейин деворлар уваланиб, нураб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун агар иқтисоднинг кўтарса пишқи гиштга нима етсин.

Шунингдек, иморатнинг усти ёпилди. Уй жуда чиройли, беиқтисод этди-да! Бироқ қурилишни тўхтатмади. Ўтган бир йил мобайнида қайта қуриш бошланди. Томларини бузди (чакка ўгма-матта тушиши мумкин. Машина-машина пишқи гишт келтирилди. 40-50 йилдан кейин деворлар уваланиб, нураб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун агар иқтисоднинг кўтарса пишқи гиштга нима етсин.

Шунингдек, иморатнинг усти ёпилди. Уй жуда чиройли, беиқтисод этди-да! Бироқ қурилишни тўхтатмади. Ўтган бир йил мобайнида қайта қуриш бошланди. Томларини бузди (чакка ўгма-матта тушиши мумкин. Машина-машина пишқи гишт келтирилди. 40-50 йилдан кейин деворлар уваланиб, нураб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун агар иқтисоднинг кўтарса пишқи гиштга нима етсин.

рим қурилган хонадон соҳибининг нариги қўшинисига «ёқмаса» бўладими. «Мен сендан орқанда қилиб бўлман», деб у ҳам иш бошлади. Уйдаги ичидан харажатларини мутлоқ қамайтирди, ўзинча

затли. Катта зал суҳбатлашиб ўтириш эмас, балки «Мана менинг уним, кўриб қўйинглар!» усулида қурилганда.

Мен сендан ҳам «баландроқ» тураман деганмиш қўшни маҳалладаги яна бир «ишбилармон». Ишлар қизиб кетди. Қурувчилар наҳордан қош қорайгунга қадар тинмай меҳнат қилдилар. Қарабсизки, икки қаватли бино тезда қад кўтарди, 20 га яқин хонаси бормиш.

Юқорида айтиб ўтганларга ҳавас қилиб қўшни маҳалладаги бир ҳовлида, гир айланган икки қаватли бино пайдо бўлди.

Учинчи қаватида «болаҳона»си ҳам бор. Ертуласига кичикроқ авторхонанинг барча машиналари сингар эмиш, бир неча хоналари ҳам бор. Ўзбекларнинг пули қўпайса бутун элга тарқатиб ногора базм тўй қилади ёки иморат қуради, бу қонда бор, инкор этиб бўлмайди. Ҳозирги қонда эса чиллаки чиллакини эмас, дарройи-дарройини кўриб чумак урмақда. Майли, охири ишқилиб бахайр бўлсин.

Шукрулло ҚОСИМОВ

Сўраш, Жавоб берамиз

ҚАЛДИРҒОЧБИЙ МАҚБАРАСИ ТАРИХИ

Ҳурматли таҳририят ходимлари. Биз шаҳримизда Қалдирғочбий мақбараси бўлганлиги ҳақида эшитгандик. Ана шу мақбаранинг тарихи ҳақида маълумот олишга қизиқиб қолидик. Газетанинг «Шаҳрим-фаҳрим» саҳифасида Қалдирғочбий мақбараси ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз.

Ш.Савдқаримов, И.Тўрабеков, талабалар.

Қалдирғочбий мақбараси Шайхонтоҳур қабристонининг Шимолий томонида жойлашган. Бу мақбара қачон, ким томонидан қурилганлиги, бу ерга ким ва қайси даврда дағи этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар сақланиб қолмаган. Фақат «Абдуллонома» асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг берган маълумотиغا қараганда, Қалдирғочбий Ҳўжа Аҳрор Валининг авлодларидан бўлиб, у Мўғулистонда ҳукмронлик қилган. Лекин археологик маълумотларга қараганда ёлгорлик XIV асрда қурилган деб тахмин қилинади. Албатта, номаълум обида тўғрисида турли хил ривоятлар тўқилиши табиий. Шу сабабли ёлгорликнинг номи ҳам Қалдирғочбий, Қалдирғочбиби, Қалдирғочбой ва бошқа турли номлар билан аталиб келинган.

Ўтган асрнинг 30-йилларида ёнига юридик институти қурилади. Мақбарадан турли мақсадларда фойдаланилади. Натيجида ўртага ўрнатилган нақшинкор арабий ёзув эса таъмирланиб, ўз ҳолида келтирилади.

Кейинги йилларда бу ерга Тошкентга 12 йил ҳукмронлик қилган қозоқ миллатига мансуб Тулаб кўмилган деган фикрлар ҳам билдирилмоқда. Бу соҳада кўп йиллардан бери изланиш олиб бораётган архитектура фанлари номзоди Абдужаббор Ҳўжеевнинг кузатишича «Қозоқ энциклопедияси»да ёзилишига кўра Тулаб Алибек ўғли 1663 йилда ҳозирги Жамбул вилоятида туғилган. 1756 йилда эса Чимкент вилоятининг Лангар овулида вафот этган.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб доно бўлч...

- Кимки яхшиликни касб қилишга интилса, яхши мактовларга сазовор бўлади.
- Айтиди: Қанчалик куч-қувватга эга бўлмагин, душман билан доимо тинчлик йўлини ихтиёр қил.
- Айтиди: Агар дўст сендан насиҳатини аяса, айтиш зарур бўлган нарсани айтишда муҳамаллик кўрсатса, айбларидан сени огоҳ қилмаса, бундай дўст алоқани узиш ва ундан узоқлашишга сазовордир.
- Мулойимлик қуввати билан ғазаб оловини сўндиролган киши ҳақиқий мактов ва олқишга лойиқдир.
- Ғазаб ўт олганда мулойимлик кўрсата олиш ва ғурурини синдира олиш ақли кишиларнинг саломатлиги ва омонлиги боисидир.
- Уч нарса уч нарса билан бирга бўлмайди: очкўзлик билан ҳалоллик, ғазаб билан меҳрибонлик, лақмаллик билан ростиўйлик.
- Ҳикмат бир дарахти, у кишининг юрагида ўсади, меваси эса тил орқали тўкилади.
- Кимки узоқ яшашни хоҳласа, юрагини тинчлик ва мусибатларга қарши шай тутуши керак.
- Кимки бошқалар ҳаётиндан ибрат олса, унинг ҳаётиндан бошқалар ибрат олади.
- Бемор учун таому ичимликлар ёқмагани каби дунё муҳаббатига мубало бўлган кишининг юрагига панду насиҳат фойда бермайди.
- Бу дунёдаги яхши ишлар у дунёни сотиб олиш учундир. Ҳар қимда ақлдан насиба бўлса, ёмонлар билан улфатлик, олимлар билан дўстлик, риёкорлик билан ақинлик ҳамда жоду зулм боқий эмаслигини билади.
- Кемачи дуч келган шамол билан кемани ҳайдавормаслиги, оқил киши кўнглига келган ҳар бир ўй билан иш тутавормаслиги керак.
- Кеманинг чўкиб кетиши мумкинлиги ҳақида ҳали у тинч кетаётган пайтда ўйла!
- Одамлар интизмаслиги лозим бўлган нарсалар нима? — сўрадилар Бузургмехрдан.
- Нокасларнинг мактовини эшитмаслик ва пасткаш кишилардан умид қилмаслик. — деди у.
- У дунё ва бу дунёни нима билан топиш мумкин? — деб сўрадилар.
- Яхшилик, илм ва тўғрилиқ билан! — деб жавоб берди у.
- Надомат чекувчи ким?
- Шошқалоқ ва ўзбилармон!
- Ўзбилармон меъмор турган бинонинг девори;
- Доно пушаймонлик ичиди бўлади.
- Зое ўтган умр қалта? — деб сўрадилар.
- Бировга яхшилик қила олиш мумкин бўлиб қилмаган умр! — деди у.
- Доноликка оро берувчи нима? — деб сўрадилар яна.
- Тўғри фикр! — деди у.
- Шижоат нима? — деб сўрадилар.
- Узр сўрай олиш! — деди у.
- Қайси хунар энг яхши? — деб сўрадилар.
- Илм хунари! — деди у.
- Ким билан дўст бўлиш керак?
- Ҳасаддан узоқ юрган киши билан!
- Ақли кишилар кимдан эҳтиёт бўлишлари керак? — деб сўрадилар.
- Олий лаганбардордан ва хасис бойдан!

— Мавлуда Алимжоновна, ўқувчилар таълим-тарбияси, илмини фақат мактабдан олишлари керак, деган фикрга қандай қарайсиз?

— Мен узоқ йиллик педагогик фаолиятим даврида қилма-қил характердаги ўқувчиларни кўрдим, уларни кузатдим ва шу фикрга келдимки, ўқувчилар мактабга келдими, ўқитувчидан фақат билим эмас, балки яхши тарбия ҳам олиб кетишлари керак. Ўзларини қизиқтирган барча, катта-кичик, тушуниб-тушунмай берган саволларига ҳам мукамал жавоб олишлари лозим. Устоз деган улуг ном олган ўқитувчиларимиз эса ўзларидан бор нарса: фикр доирасининг кенглиги, чуқур билим бериш маҳорати билан ўқувчига ўрнак бўла олишлари керак.

Айрим вақтларда ёшлардаги ёши катталарга ёқмайди-ган ҳаракат ва ҳолатларни тарбиясизликка йўядилар. Мактабда ёки оилада яхши тарбия олмаганликда деб билладилар. Ҳолбуки улар қандай шароитда, қайси оилада, қайси маҳаллада ўсиб-ўлғайиб, ўзи учун қимларни ўрнак қилиб юрганлари билан қизиқмайдилар.

— Айтингчи, ота-оналар болалар тарбиясига қачон бепарвороқ бўлиб қоладилар? Айни дамларда кўпчилик ота-оналар фарзандларини фақат мактабга ташлаб, хабар олишни бутунлай унутиб қўйдилар, деган гаплар қулоққа чалиниб қолмоқда.

— Йўқ, бу фикрга унча қўшили олмайман. Тўғри, ҳозир турмуш ташвишларига ўраллашиб, болалари тарбиясини бутунлай мактабга оқлаб қўйган айрим ота-оналар ҳам бор, лекин бу дегани ҳамма баравар бола тарбияси билан шуғулланмай қўйди дегани эмас. Ма-

салан бола мактабга келган вақтда, бири боғчага борган, иккинчиси эса бормаган бўлиши, улар кўрган тарбия, оилавий муҳит ҳам бутунлай бошқа-бошқа бўлиши мумкин. Ўқитувчи уларга бир хил кўнлма ва билимини беради. Ота-оналар ҳам бу вақтда тез-тез хабар дай ҳоллар ҳам бўлиб туради. Қачонки, ота-она мунтазам мактаб билан, фарзандининг ўқиши билан қизиқиб хабардор бўлиб турар экан, ноҳақликни кўрса, норози бўлиши табиий. Лекин мени кечирсинлару бирон марта мактабга қадам қўймай, йил охирида «болам

ҳам тилидаги, ҳам дилидаги саволга жавоб бера олиши керак. Ўқитувчининг билимини, ўзини тутуши, нутқ маданияти, кийиниши, сўзлаш, дарс ўтиш одобидан кўнгли тўлган ўқувчигина уни талаб даражасидаги, ўзи учун идеал бўлган устоз дея тан олади, унга эргашади. Бугунги кун ёшлари зуқко, билимдон, озгина кемтикликни ҳам тезда илғайдилар. Шунга яраша муомала, ҳурмат бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам ўқитувчи ўқувчи қалбига йўл топа олиши даркор. Ўқитувчиларнинг дарсида бақиритларини, мажбуран дарсни тушунтиришга ҳаракат қилишларини қаттиқ қоралайман.

Ўқитувчининг бўш вақтни қандай ташкил қилиши, фаоллиги, ўз фанига қизиқтира олиши, у билим берган ўқувчиларнинг келгусида неча фонзи олий ўқув юргларида киргани, ҳар бир ўқувчи билан ишлашда у нималарга эътибор беради — буларнинг барчаси ўқитувчининг реитингини белгилайди.

— Айни ўқитувчилар ва мураббийлар кун арафасида суҳбатлашиб турибмиз, устоз аёлларимизга қандай тилакларини билдилар эдингиз.

— Ўйлайманки барча таълим муассасаларида ёшларга сабоқ бераётган устоз ўқитувчилар юрт эртаси учун масъул бўлган заҳматқаш инсонлардир. Уларни мен заҳматли ва шарафли меҳнатда асло тодмасликларини, ҳамisha ёш авлод қамоли йўлида камарбаста бўлишларини тилаб қоламан. Ўқитувчи, ўқувчи, ота-она, маҳалла ўртасида шундай узилмас ришта болгансинки, у фақат эзгулик йўлида хизмат қилсин, фарзандларимизни комиллик сари етакласин.

Суҳбатдош
Шовира МУҲАМЕДОВА

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини олдиқдан

УЗИЛМАС РИШТА ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Биз авлодларимиз давомчилари бўлмиш нуридийдаларимизни гўдаклик чоғиданоқ она-Ватанга муҳаббатли, элга садоқатли, соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбияласак, албатта улардан келгусида келажакимизнинг ҳақиқий бунёдкорлари етишиб чиқади. Шу ўрнида ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия, билим бериш заҳматини елкага олган устоз-ўқитувчиларимизнинг меҳнатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак ярашади. Бизнинг бугунги суҳбатдошимиз Шайхонтоҳур туманидаги 45-мактаб директори Мавлуда Алимжоновна. 30 йиллик иш фаолиятига эга бўлган устоз-мураббий билан бугунги кун ўқувчиси ва ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари, таълим-тарбияда асосий эътибор қаратиладиган масалалар хусусида фикр юритдик.

олиб турадилар. Юқори синфларга чиққан сари ўқувчилар орасида тафовутлар билина бошлайди. Шу вақтда оила, маҳалланинг эътибори ҳам сезилмай, қатъиятсизлик ёки бўлмаса ахлоқдаги баъзи бир нуқсонлар кўриниб қолади.

— Фаолиятингиз давомида ота-оналардан ўқитувчилардан норози бўлиб мурожаат қилишган ҳоллари ҳам бўладими? Сиз мактаб раҳбари сифатида ўқитувчиларга қандай талаблар қўясиз?

— Биринчи саволингизга жавоб берадиган бўлсам, бун-

нинг баҳоси нега паст, китобини, дафтарини олиб бериб қўйган бўлсам», деб норози бўлиб келган ота-оналарни кўрганда хаффа бўлиб кетаман. Имкон қадар уларга ётиги билан тушунтириб, фарзандини ёнига ўтказиб билим доирасининг қанчалигини кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Мактаб раҳбари сифатида ўқитувчиларимизга ҳам маълум давлат стандарти талаблари қўйилишини тўғри деб биламан. Чунки ўқитувчи дарсга кирганда ҳамма томондан тайёр бўлиши, ўқувчининг

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтда 1 октябрь — «Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини» байрами олдиқдан байрам тадбири ўтказилди.

БАЙРАМ ТАДБИРИ

Инсон қайси касб эгаси бўлмасин, унга таълим-тарбия берган, оқу қорани танитган, ҳаётда ўз ўрнини топишга қўмақлашган устози — ўқитувчи ва мураббийси бўлади. Одатда ўқитувчилик шарафли ва масъулиятли касб, дея таъкидланади. Бу бежиз эмас, зеро, миллат ва давлат келажиги бўлган ёшлар тарбияси ҳам айнан мана шу соҳа вакилларига ишониб топширилади.

Тадбирда сўзга чиққанлар Республика Вазирилари Маҳкамаси томонидан «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш» давлат умумий миллий дастурининг қабул қилинган-

Москвда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва Россиянинг «Домодедово» халқаро аэропорти ҳамкорлигида ташкил этилган матбуот анжумани бўлиб ўтди. У шу йил 31 октябрдан Ўзбекистон самолётларининг икки мамлакат пойтахтлари ўртасида «Домодедово» аэропорти орқали амалга оширилажак авиарейслари мавзусига бағишланди.

«ДОМОДЕДОВО»ГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

Шу пайтгача Тошкентдан парвоз қилган самолётларга «Шереметьево-1» аэропортида хизмат кўрсатилар. «Домодедово»да эса Самарқанд, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Андижондан учиб келадиган лайнерлар қабул қилинар эди. Энди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси томонидан «Домодедово»га амалга оширилаётган рейсларнинг умумий соати ҳафтасига 15 тага етади.

Матбуот анжуманида Миллий авиакомпания техника паркиннинг замонавий самолётлар билан таъминланиш даражаси ўсиб бораётгани қайд этилди. Шу йилнинг охиригача ўзбек авиаторларининг яна битта «Боинг-767» ва учта «Боинг-757» самолётларини қабул қилиб олиши кутуляпти. Бу эса халқаро парвозлар кўламини кенгайтириш билан бир қаторда хизмат кўрсатиш савиясини ҳам оширишга хизмат қилади.

Сўнгги пайтларда «Домодедово»нинг юқори технологик воситалар билан жиҳозлангани ва йўловчилар учун қўшимча қулайликлар яратилгани мамлакатимиз авиаторлари томонидан айнан ушбу аэропортнинг танланшида муҳим омил бўлди. Халқаро терроризм тўри глобал муаммога айланган бугунги кунда хавфсизлик масаласининг долзарблиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу боис «Домодедово» аэропортида йўловчилар ва парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мукамал тизим жорий этилган.

Музаффар ЗОХИДОВ,
«Жаҳон» АА,
Москва.

лиги, шунингдек, жорий йилнинг 2 июлида «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини меҳнатларини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг эълон қилиниши ўқитувчилар меҳнатига қатта эътибор эканлигини таъкидлашди. Тадбир давомида узоқ йиллар мобайнида педагогика соҳасида фаолият олиб борган, ёшларга таълим-тарбия берган устоз ва мураббийлар фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

«Туркистон-пресс»

Тадбирлар

АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Хозирда хотин-қизлар фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган тадбирлар жойларда кенг тус олган.

Миробод туманидаги ҳарбий қисмда бўлиб ўтган тадбир ҳам Тошкент ҳарбий округи прокуратураси ҳамда туман «Маънавият ва маърифат» бўлими томонидан ташкил этилди.

Хотин-қизларнинг бурч ва вазифалари каби масалаларга бағишланган маъруз тадбир «Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш» деб номланди. Учрашувда ҳарбий қисмда хизмат қилувчи аёллар, бошқа соҳа етакчилари иштирок этишди. Тадбирда жамиятда хотин-қизлар фаолиятини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини кучайтиришга асосий урғу берилди.

Юлдуз УСМОН

Шарҳловчи миқбари

ГАИТИ «ЖАННА» ДАН АЗИЯТ ЧЕКМОҚДА

Шу кунларда Кариб ҳав-засидаги кўпгина мамлакатлар табиий офатдан жабр кўрмоқда. Гаити, Ямайка, Доминикан Республикаси, Пуэрто-Рико аҳолиси бошига «Жанна» тўфони қулфат ёғди.

Айниқса Гаитида вазият анча оғир. Маълумотларга кўра, Гонаив шаҳрида кучли довул ва тинимсиз ёмғир туфайли мингдан зиёд одам ҳаётдан кўз юмди. 175 минг киши бошпанасиз қолган. Бедараклар ҳам кўп. Шаҳар сув остида қолган.

Бош вазир Жерар Латорт-юнинг таъкидлашича, ҳозир табиий офат оқибатида ҳалок бўлганларни тезроқ дафн этиш асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Сабаби, мамлакатда эпидемия тарқалиб кетишининг хавфи катта. Эстига-устак, обҳавошунослар яқин кунларда «Карл» номли яна бир тўфон келишини башорат қилмоқда.

Айни пайтда қатор халқаро ташкилотлар, хусусан, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари бошпанасиз қолганларга ёрдам бериш учун маблағ тўплапти.

Гонаив ҳудудининг 80 фоизи сув билан қопланган. Электр таъминоти бутунлай издан чиққан. Омон қолганлар том ва дарахтларга чиқиб нажот кутмоқда. Уларга ёрдам бериш анча қийин.

Тоза ичимлик суви, озиқ-овқат ва дори-дармон этиш-маяпти.

Порт-де-Пэ ва Шансолм шаҳарларида ҳам аҳвол шундай. Собиқ президент Жан-Бертран Аристид ҳукумати ва муҳолифатчилар ўртасидаги тўқнашувлар даврида мамлакатга киритилган БМТ кучлари ҳам табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишларига жалб этилган.

БМТ Бош ассамблеясининг 59-сессиясида иштирок этаётган Гаити президенти Бонифас Александр жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, мамлакат аҳолисига ёрдам кўрсатишга чақирди.

Ўтган ҳафта АҚШнинг жануби-шарқий штатларига «Иван» тўфони келган эди. Ҳисоб-китобларга қараганда, табиий офат мамлакат иқтисодиётига 5 миллиард доллар миқдоридан зарар етказган.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

МИЛЛИЙ МЕРОС ВА ХАЛҚ САНЪАТИ АНЪАНАЛАРИ

Мустақиллик йилларида халқимизнинг бой маънавий-маърифий меросини асраб-авайлаш, уни чуқур ўрганиш имкони яратилди.

Ўртимизнинг тарихий қадамжоларига миллий меросимизни чуқур ўрганиш ва таҳлил этишга бағишланган илмий экспедициялар уюштириляпти. Жумладан, мамлакатимиз жануби — Бойсунга ташкил қилинган илмий экспедициялар халқ оғзаки ижодиёти, маънавий меросимиз, миллий хунар-

мандчиликка оид нодир маълумотлар тўплаш имконини берди. Айни пайтда соҳада илмий тадқиқотларни кенгайтириш, таҳлил қилиш, чоп этиш ва халқимиз, айниқса ёшларни улاردан кенг баҳраманд этиш борасида ҳали ўз ечимини қутаётган муаммолар ҳам оз эмас.



Шахримизнинг кўркем кўчалари.



ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

ЎТГАН КУНИ

Малайзияда футбол бўйича ёшлар ўртасида китъа биринчилиги баҳсларига старт берилди.

Ушбу нуфузли мусобақада иштирок этаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳ баҳсларини галаба билан бошлади.

Мамлакатимиз вакиллари дастлабки учрашувни лаослик тенгқурларига қарши ўтказишди, айтиш жоизки, мухлислар кўнглини шод этишди. Рақибларидан кўра тажриба ва маҳорат бобида устунлик қилган Ўзбекистонликлар ҳужумкор ўйин намойиш этиб, учрашувни 5:2 ҳисобида ўз фойдаларига яқунлашди.

Мухлисларга қувончли дақиқаларни ҳадя этган голларни рақиб дарвозасига Ўзбекистон ёшлар терма жамоасидан Нодир Кўзибоев (3 та), Марат Бикмаев, Садриддин Абдуллаев, лаосликлардан Сингалон Сован ва Висай Пакованинлар йўллашга муваффақ бўлишди.

БУГУН

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳдаги иккинчи учрашувида хиндистонлик тенгқурлари билан куч синашди.

Гуруҳдаги сўнгги баҳс Сурия ёшлар терма жамоаси билан кечади.

Биз ҳамюртларимизга кўп минг сонли мухлислар номидан билан тилаймиз.

Мамлакат XIII миллий чемпионати 19-турининг марказий учрашуви Фарғонада ўтказилди.

МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

Унда Юрий Саркисян бош мураббийлигидаги «Нефтчи» жамоаси мамлакат чемпиони «Пахтакор»ни қабул қилди.

Айтиш жоизки, ҳар доим ушбу икки номдор жамоанинг баҳси ҳужумларга бой, шиддатли, кескин ва қизиқarli кечган. Бемалол айтиш мумкинки, ушбу беллашув ҳам аввалгиларидан қолишмади. Мухлислар қизиқarli баҳсининг гувоҳига айланишди. Гоҳ у, гоҳ бу дарвоза олдида хавфли вазиятлар содир этилаётган бўлсада биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда эса ўйин яна шиддатли тус олди. Аввалига Шишелов 53-дақиқада рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб жамоадорларини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Аммо, орадан 6 дақиқа ўтган мезонлар футболчиси Отақузиёв ҳам пахтакорчилар дарвозабонини доғда қолдириб ҳисобни 1:1 га етказди. Кизига, «Нефтчи» ҳам, «Пахтакор» ҳам ҳужумкор ўйин намойиш этганига қарамай учрашув охиригача

ҳисоб ўзгармади. Ва пешқадам жамоалар муроसा йўлини танлашди.

Шахримизнинг яна бир жамоаси «Локомотив»га ушбу турда омад кулиб боқди.

Ўз майдонларида Бекободнинг «Металлург» жамоаси билан куч синашган тошкентликлар 90 дақиқа мобайнида меҳмонлар дарвозасига тўртта жавобсиз голни йўллаб, муҳим уч очкони кўлга киритишди. Мухлисларга қувончли дақиқаларни ҳадя этган голларни дарвозага Маъруфалев (3 та) ва Усмонхўжаевлар йўллашди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди. «Насаф» — «Трактор» — 5:2, «Навбахор» — «Бухоро» — 3:1, «Кизилкўм» — «Сўғдиёна» — 1:1, «Самарқанд — Динамо» — «Сурхон» — 1:0, «Андижон» — «Машъал» — 2:3.

Навбатдаги 20-тур беллашувлари 6 октябрда ўтказилади.

АНВАР ЙЎЛЧИЕВ

Шифобахш

Ҷисмийликлар

МАЙМУНЖОН

... Баргларини кўйиб боғланса, учқунинг тарқалиб кетишини тўхтатади...

...маймунжоннинг илдизида латифлик бор, шунинг учун у (сийдик йўлидаги) тошларни майдалайди.

...унинг сохларини барги билан кўшиб қайнатилган сув сочи буюяйди.

...Бошдаги яраларга фойда қилади ва жароҳатларни тўхтатади.

...Унинг баргларини чайналса, милкни мустаҳкамлайди ва оғиз чақаланишини тўзатади, пишган мевалари ҳам шундай. Мева ва баргларининг шираси иссиқдан бўлган оғиз оғриқни тўзатади. Барглари бошдаги яраларни ҳам тўзатади. Маймунжон мевасини кўп ейиш бошни оғритади.

...Унинг ўзи ва гули ичак яраларига ва ичкетишга фой-

да қилади ва ўзидаги латифлик туфайли қовқудаги тошни парчалайди.

МУРЧ

...Мурчда тортиш, шимдириш ва тозалаш қуввати бор. Майиз билан кўшиб чайналса, ёпишқи балғамларни кўчиради ва бутунлай йўқотади. У оғриқларни босувчи ва асабни киздирувчидир. Мурч соғлом кишиларгагина тўғри келади.

...Сирка билан бирга ишлашса, тишга фойда қилади.

...Агар яланадиган дори-ларга кўшиб истеъмол қилинса, йўталга ва кўкрак оғриқларига фойда қилади. Агар асал билан кўшиб танглайга суртилса томоқ оғриғига фойда қилади ва ўпкани тозалайди.

... Мурч овқатни хазм қилувчи ва иштаҳани очувчидир.

...Ёг билан кўшиб суртилса, эт узушишига фойда қилади.

ГУЛСАФСАР

...Гулсафсар ва айниқса, унинг илдизи сепкил ва нуқтали конталашда фойда қила-

ди. У билан юзни ювилса тозалайди, ялтиратади ва ажинларни кетказади.

...Илдизпоиси иссиқ сувдан куйганга фойда қилади. Баргининг қайнатмаси ҳам шундай (таъсирга эга) бўлиб, яраларни битиради. Гулсафсар илдизининг ва бошқа қисмларининг ширасини асал ва сирка кўшиб мис идишида қайнатиб, эски яралар ва жароҳатларга ишлатилади.

... Гулсафсар асаб бузилиши ва асабларда тиришиш касали бор бўлган кишилар учун яхши дори бўлиб уларга жуда фойда қилади.

...Гулсафсар (айниқса ёввойи гулсафсар) илдизининг қайнатмасидан тиш оғриғи учун оғиз чайналдиган дори тайёрланади. Бу дори уйку келтиради. Ёғи бошдаги яраларга ва кепакка қарши ишлатишга яхши, қулоққа томизилса, қулоқнинг шангиллашини тўхтатади. (Сирка ва гул ёғи билан кўшиб боғланса, бош оғриғига фойда қилади...)

...Гулсафсарнинг илдизлари, «тишқа нафас олиш»га фойда қилади (йўтални тўзатади, кўкракдаги тозаланиши қийин бўлган рутубатларни суолтиради).

...Ёғини ичилса, суртилса, очувчи, шимдирувчи, бачадон қаттиқликларини юмшатовчи бўлади. Бачадон касалликларига фойда қилишда унга ҳеч нарса тенг келмайди. У ...ичак оғриқларида фойда қилади.

...Совуқ едириб титратувчи иситмага фойда қилади.

...Ёғи бурун тешиқларининг хидини кетказади. Қайнатмаси ҳам шундай. Уйқуда кичкириш касалида фойда қилади.

...Кўз ёшини тортади. Ўпка яллиғланишида, нафас олиш қийинлашганида ва томоқ оғриқда фойда қилади.

...Гулсафсарнинг илдизини сирка билан ичилса, жигар ва талоқнинг совуқдан бўлган оғриқларини айниқса талоқнинг оғриғини босади.

Футбол

ЎҚУВ МАШҒУ-ЛОТЛАРИ БОШЛАНДИ

Келажагимиз ворислари — болажонларимиз ўртасида футболни оммалаштириш, уларга чарм тўп ўйини сирларини пухта ўргатиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида талайгина футбол-интернатлари ишлаб турибди. Ушбу спорт масканларида эса ўз касбининг усталари бўлмиш мураббийлар хизмат қилишмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан болалар мураббийларининг малакасини ошириш, уларни жаҳон футболни янгиликларидан бохабар этиш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этиш одати ҳолга айланиб қолди. Бу жараён болалар футболни ривожда катта омил бўлиб хизмат қилиши табиий албатта.

Кунни кеча Фарғона вилояти футбол-интернати базасида болалар ва ўсмирлар билан ишловчи мураббийлар учун навбатдаги ўқув семинари бошланди. Ушбу семинар машғулотларига Осиё футбол конфедерацияси йўриқчиси, Ўзбекистон футбол федерациясининг етакчи мутахассиси Вадим Шодиметов раҳбарлик қилмоқда. Унга Фарғона вилоят футбол-интернатиди фаолият юритаётган мутахассис Ойдинбек Алиев кўмаклашмоқда.

Дарвоқе, ушбу машғулотларда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан келган 22 нафар мураббий иштирок этмоқда. Курс семинари 9 октябрга қадар давом этади.

КИТЪАМИЗ ФУТБОЛИ РИВОЖЛАНДИ


Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ёшлар ўртасида китъа чемпиони ҳам бошланди. Унда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари ҳам иштирок этаётганлигидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Маълумки, китъамиз футбол кейинги йилларда жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Бунинг тиз-тез халқро миқёсда ўтказилган турнирлардан ҳам пайқаш мумкин. Аҳамиятлиси, Осиё китъаси терма жамоаларининг жаҳон чемпиони бахсларида ҳам муваффақиятли иштирок этаётганлиги барчага маълум. Аммо, ушбу жараёнда янада тезлаштириш, китъада ўсмирлар, болалар, ёшлар футболининг юқори погоналарга чиқилиши таъминлаш муҳим эканлиги Осиё мамлакатлари футбол федерациялари матбуот хизмати раҳбарлари иштирокида уюштирилган семинарда яна бир марта таъкидлаб ўтилди. Ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоалар бўлими бошлиғи Алишер Никимбоев ҳам иштирок этди. Бахсу мунозарага, тақлифи мушоҳадага бой кечган семинарда келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди. Футбол федерациялари матбуот хизматларининг ўзаро алоқаларини кенгайтиришга келишиб олинди.

(Ўз мухбиримиз)



Сахий кузнинг ширин-шакар меваларидан баҳраманд бўлинг, азизлар!



«01»

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида Юнусобод тумани ҳудудида 165 та ёнғин содир бўлиб, ушбу ёнғинлардан 835382 сўм зарар кўрилди. Содир бўлган ёнғинларда 2 киши ҳалок бўлиб, 2 киши турли хилдаги куйиш орқали тан жароҳати олган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ёнғинларнинг таҳлили олиб борилганда, очик майдонлардаги қуриган ўт-ўланлар, шох-шаббалар ва маийши чиқиндиларнинг ёниши натижасида 93 та ёнғин содир бўлганлиги маълум бўлди. Бу ёнғинларнинг келиб чиқиш сабабининг аксарияти ёш болаларнинг олов билан ўйнаши ёки катталарнинг лоқайдиғи туйғали сизарет қолдиғини ҳар ерга ташлаб кетишидир.

Масалан, 2 июль кунини Муртазов кўчасидаги Астрономия институти ёнидаги очик майдонда 50 квадрат метр майдонда қуриган шох-шабба ёнган. Ёнғин сабаби

сизарет чекишдаги эҳтиётсизликдир.

16 июль кунини А.Навоий кўчасидаги очик майдонда 40 квадрат метр майдонда қуриган ўт-ўланлар ёнган. Ёнғин сабаби сизарет чекишдаги эҳтиётсизлик.

9 август кунини Юнусобод 4-дахаси, 48-уй олдидаги очик майдонда 50 квадрат метр майдонда қуриган ўт-ўланлар ёнган. Ёнғин сабаби болаларнинг олов ўйнаши бўлган.

26 август кунини Ш.Қозоқбоев кўчасидаги очик майдонда 200 квадрат метр майдонда қуриган ўт-ўланлар ёнган. Ёнғин сабаби яна сизарет чекишдаги эҳтиётсизликдир.

29 август кунини ТошГРЭС мавзеси, 16-уй ёнидаги очик майдонда 50 квадрат метр ҳудудида қуриган шох-шаббалар ёнган. Ёнғин сабаби болаларнинг олов ўйнашидан келиб чиққан.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ана шундай ҳолатлар қайтарилмаслиги ва унинг олдини олиш учун ҳам-шаҳарларимизга шунини айтиб ўтишни истардикки, имкон борича ёнғин хавфсизлиги чораларини кўришса, яъни ёш болаларни ўйда ёлғиз қолдириб гугурт ўйнашларига йўл қўйишмаса. Болаларни бўш вақтларида бирор бир унумли иш билан машғул қилиб қўйишса ёнғин содир бўлишининг олдини олган ҳамда ўзлари ва фарзандларининг ҳаётларини, пешона тери эвазига йиғилган мол-мулкларини ўт балосидан сақлашга эришган бўлардилар.

Баҳром ЮНУСОВ,
Юнусобод тумани
Ички ишлар бошқармаси
Ёнғин хавфсизлиги
бўлими бошлиғи

Мағбурлар

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ЕИХ дастурида кўрсатилган йўналишлардан бири, бу — ёшларнинг кўмакка муҳтож катламларига ёрдам бериш, ўсмирларни қўллаб-қувватлаш, ҳолидан хабар олиш ҳамда уларнинг вақтларини мазмунли ўтказишдир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда «камолот»чилар ёшларга ҳар томонлама кўмакдош бўлиш, иқтидори ва истеъдодини юзага чиқариш, бўш вақтларини тўғри тақсимлаш йўлида бир қатор ишларни олиб бормоқдалар. Хусусан шу мақсадда «Камолот» ЕИХ Миробод тумани бўлими Кенгаши томонида тумандаги 57-ёрдамчи (ақли заиф болалар) мактаб тарбияланувчиларининг 30 нафар кам таъминланган оила фарзандлари учун бепул «Тошкент хайвонот боғи»га саёҳат уюштирилди.

Аввало саёҳат «Хайвонот олами» ширин остида богдаги қўшлар билан танишишдан бошланди. Сўнгра балиқлар ва турли хайвонларни кўриб, давра сўхбатини ўтказиб кўтаринки кайфиятда уйларига қайтишди. Айниқса уларда катта шер, тимсоҳ, фил, маймун, бўри, айиқ ва илонлар катта таассурот қолдирди.

— Саёҳатимиз бизга жуда ёқди, — дейди 57-ёрдамчи мактаб ўқувчиси Албина Давлетова. — Чунки ҳамма болалар каби хайвонларни жуда яхши кўра-миз, айниқса эртақлардагина ўқиган ёввойи, кучли, айни вақтда кўркинчли хайвонларни ёнғинангда кўриш жуда завқли бўлар экан. Бундай учрашувларнинг тез-тез ўтказилишини истар эдик.

(Ўз мухбиримиз)

Бойқуш тунги йирткич қуш бўлиб, унинг 223 та тури бор, шундан 8 таси Ўзбекистонда учрайди. Улар орасида энг йириги укки ва бойқуш ҳисобланади. Оёқлари кучли ва паҳмоқли, тумшуги қайрилган, оҳиста учиб келиб ўлжасини тутиб олади. Кўзлари ниҳоятда ўткир. Одатда кечалари сайрайди, овози йиғлаган боланинг товушига ўхшайди.

Табиаат ажойиботлари

БИЛИМДОНЛИК РАМЗИМИ ЁКИ ҚЎРҚУВ ТИМСОЛИ?

Дунёда биронта парранда йўқки, руҳий ва кўркинчли таъсир этиши бўйича бойқушга тенг келса. Бойқушнинг сиймоси қадимги даврдаги бадий асарларда ўз аксини топган. Бойқуш киприк қормас, мулоҳазали, ҳамма нарсани кўра оладиган, кўзлари катта, калласи эса билимдонлик рамзи бўлиб туюлар эди одамларга. 3-7 асрларда Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда бойқуш сиймоси одамларнинг бахтсизлиги, қашшоқлиги билан боғлиқ деб талқин этилар, чунки бундай қушлар эски ташландиқ жойларда, харобаларда яшарди.

Бойқуш хусусан ўрта асрларда жуда оммалашган афсоналарнинг севимли қаҳрамони бўлган. Бизнинг давримизда ҳам одамлар бойқушга биринчи навбатда бахтсизлик ва мудҳиш хабар келтирувчи деб қарайдилар ва кўпинча уни ўлдиришга ҳаракат қилдилар.

Кишилар бойқушнинг ўзига хос тузилиши ва хулқи-атворини тушунириб бера олмадилар, шунинг учун ҳам бу қуш одамларда кўрқув пайдо бўлишига олиб келди.

Ўрта Осиё халқлари жумладан қозоқлар бойқушга сирли куч эгаси деб қарадилар. Қуш патларидидаги мураккаб суратлар араб алифбосига ўхшаш бўлиб, унда ўта муҳим, ҳали таърифланмаган сирли сўзлар битилган деб қарайдилар. Кишиларда қушнинг юмшоқ патларидидаги кўндалан тушган суратлар Куръон каримдан олинган ҳикматли сўзлар бўлган. Лекин бундай доно сўзлар шундай майда ва ўқий қийин бўлган харфлар билан битилганки, уни фақатгина қадимги сирли дунёдан бохабар кишиларгина ўқийи мумкин деган тасаввур бор эди.

Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.



Абудурасул
Хакимов чизган.
— Мана сиз болани тоғдим,
хўжайин.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70,
аҳолилар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56

Хажми — 2 босма раёқ оғеет
узунлида босилди.
2812 нусxada босилди. Қозғо биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўхсатда олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш мисаллари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент
почтамтига» 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буяқ Турон» кўчаси, 41-уй.